I. КИРИШ ҚИСМИ

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи	МЧЖ «**NAZORAT-AUDIT**» Аудиторлик ташкилоти
Юридик манзили ва телефон ракамлари	Тошкент шаҳри, Госпитал дахаси 11/2, тел: +99895 1447455, тел/факс: +99871 1502301
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.12.2007 йилда №545 сонли гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтказилган.
Банк реквизити	Х/р 20 208 000 604 400 007 713 001, «Davr-bank» ХЁАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046
СТИР	202884570
ХХТУТ	6902
Аудиторлик ташкилоти директори:	Назаров Баходир Нематович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26-апрелда берилган №05207 аудитор малака сертификатига эга.
Аудитор	Пирназаров Бахром Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 29-сентябрда берилган №05517 аудитор малака сертификатига эга
Аудиторлик тешируви учун асос	2026 йил 29-апрел кунги № РВ-05/26 сонли шартнома.
Аудиторлик ҳисоботини тақдим қилинган сана	15 –май 2026 йил.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган жамиятнинг реквизитлари:

Жамият ва ташкилотининг тўлиқ номи	«Беруний пахта тозалаш» Акциядорлик жамияти (бундан кейинги матнда жамият)
Юридик манзили ва телефон ракамлари	Қорақолпоғистон Республикаси, Беруний тумани Кат кўчаси рақамсиз уй.
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Қорақолпоғистон Республикаси, Беруний тумани Ҳокимлиги «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш иниспекцияси» томонидан Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги туғрисида 2010 йил 27-феврал куни №140 реестр рақами билан рўйхатга олинган ва 00305-сонли гувоҳнома берилган. ТХШ-1711, МШ-513, КТУТ-00331317, МХОВТ-

	1735207501.
Банк реквизити	ОАТБ «AGROBANK» Беруний филиали жорий ҳисоб раками 20210000800422624001. МФО 00607.
СТИР	201604261
ХХТУТ	17111.

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман «Беруний пахта тозалаш» АЖининг 2025 йил молиявий хўжалик фаолияти юзасидан тузилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, ҳамда у билан боғлик бошқа молиявий хужатларини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Аудиторлик текшируви «Беруний пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъсул шахслари:

- Махмудов Алишер 2019 йил 09-сетябр кунги №75-К буйрук асосида жамият раиси вазифасида текшириш кунигача фаолиятини юритиб келмокда.
- Реймов Зафар Ерназарович 2016 йил жамиятнинг №10 буйруғи бўйича 18-январ кунидан иккинчи имзо қўйиш хуқуқи билан бош ҳисобчи вазифасида фаолиятини юритиб келмоқда.

Аудиторлик текшируви «Беруний пахта тозалаш заводи» АЖининг раиси Алишер Махмудовнинг хабардорлигида, ҳамда бош ҳисобчиси З.Реймовнинг бевосита иштирокида ўтказилди.

Аудиторлик текшириш жамият раҳбарияти томонидан тақдим қилинган бирламчи бухгалтерия хужжатлари танлов усули асосида ўтказилди.

Аудиторлик ҳисоботи бўйича аниқланган маълумотлар махфий ҳисобланиб, маълумотларни сир сақланиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

«Жиддийлик даражаси ва аудиторлик таваккалчилиги Ўзбекистон Республикаси №9 сонли «мухимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» аудит миллий стандартига асосан жамиятнинг молиявий ҳисоботларига асосан жиддийлик даражасининг энг мақбул миқдорини аниқланди. Аудиторлик хулосасини тайёрлашни назарда тутадиган аудитни амалга ошириш пайтида мазкур стандарт талаблари аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий талаблар ҳисобланади.

АҲМСга асосан миқдор тушунчасида молиявий ҳисоботнинг чекланган даражада бўлиши бўлиб топилади. Миқдорни аниклаган вақтда бизлар томондан жамиятнинг 2025 йил учун молиявий ҳисоботнинг туғрилигини тарифловчи кўрсатгичлар олинди.

	Базовий кўрсатгич, минг сўм. сўм	Критерии, %	Жиддийлик даражасини аниқлашдаги кўрсатгичлар миқдори минг сўмда

«MAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Б.С.Пирназаров

Солиқ тўлагунга қадар фойда	1 189 559	4	47 582
Сотидан соф тушум	2 934 354	3	88 031
Хусусий капитал тақсимланмаган фойдани чегирилган ҳолда	10 761 302	2	215 226
Жами активлар	35 588 287	5	1 779 414
Жиддийлик даражасининг энг мақбул миқдори			**2 130 253**

Аудит ўтказишдаги аниқлик даражаси

Пул миқдоридаги аниқлик кўрсатгичлари	**399 422**

Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботлари миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида жиддийлик даражасининг миқдори 399422 минг сўм ҳисобланди.

Жамиятнинг хуқуқий асослари, тузилиши ва фаолияти.

Аудиторлик текшируви «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги миллий стандартлари талаблари асосида аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари ва аудит текшируви учун тақдим этилган бухгалтерия хужжатлари, ҳисоботларига таянган ҳолда ўтказилди.

Молиявий ҳисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги акциядорлик жамият раҳбарияти зиммасига юклатилган. Аудитор вазифаси ўтказилган Аудиторлик текшируви маълумотлари асосида молиявий хўжалик фаолиятига тегишли хужжатлар юзасидан туғри хулоса беришдан иборат. Аудиторлик текшириш иш хажмининг кўплиги ва текшириш даврингинг қисқалигини ҳисобга олиб тақдим қилинган хужжатлар танлиб олиб тешириш учун қабул килинди. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти миллий андозалари асосида тузилган режа бўйича ўтказилди.

Аудиторлик текшириш :- 2026 йил 07-май куни бошланиб,
2025 йил 15-май куни якунланди.

II. ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ.

1.Жамиятнинг ташкил топиши ва фаолиятининг хуқуқий асослари.

«Беруний пахта тозалаш» акционерлик жамияти К.Республикаси Мулкни бошқариш комитетининг 2010 йил 12-феврал кунги № 33/БН сонли буйруғи билан қайта ташкил қилинган ва Низоми Беруний тумани Беруний тумани «Ягона дарча маркази» томанидан 2016 йил 25-августда қайта рўйхатдан ўтказилиб № 140 сонли реестр билан рўйхатга олинган ва шу йили гувоҳнома бўйича асосий ишлаб чиқариш бўйича коди 17111 рақамли ва ОКОНХ 201604261 коди берилган.

«NAZORAT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти аудитори Б.С.Пирназаров

Акция пакетлари қуйидагича тақсимланган:

Жамиятнинг баланс бўйича устав фонди 620822,0 минг сўм белгиланган бўлиб, асосий восита ва бошқа мулклардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилиб, баланснинг 8300 устав жамғармаси счетида акс эттирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Мамлакатлик мулк Қўмитасининг 2010 йил 02-феврал кунидаги № 33/БК буйруғи ва Беруний тумани «Ягона дарча марказ» томанидан 2016 йил 25-августда қайта рўйхатдан ўтказилиб №140 рақамли гувахнома бериб устави тасдикланиб рўхатга олинган, «Беруний пахта тозалаш» акциядорлик жамияти баланси бўйича устав жамғармаси 620822 минг сўм белгиланган бўлиб, хар бир акциянинг номинал қиймати 4,100 минг сўмдан 151420 дона оддий акция шундан 2590 дона имтиёзли бўлинган, жамиятнинг 2019 йил 28-июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарори билан жамиятнинг олдинги 2015-2016 йиллардаги соф фойдасининг 620822,0 минг сўми ўз капитали хисобидан 151420 оддий ва 2590 дона имтиёзли қўшимча акциялар чиқариш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтирилиб акциялар сони 302840 дона номинал қиймати 4100 сўмдан 1241644,0 минг сўмга кўпайтирилган.

Акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиш қарори бўйича олдинги йилларнинг соф фойдаси хисобидан қўшимча акциялар чиқарилиб акциялар сонини 605680 дона қўшимча акция чиқариш орқали жамият устав фондини 2 483 288 000 сўмгача кўпайтириш, жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш, қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш бўйича қарор қабул қилинган.

Акциядорлик жамиятининг 2020 йил 24-январ кунги акциядорларнинг йиғилиши кун тартиби бўйича, 2018 йил 28-июнда ўтказилган йиғилиш қарорини бажарилиши таминлаш бўлиб, жамиятнинг олдинги йиллардаги фойдаси хисобидан қўшича акциялар чиқарилиб жамиятнинг устав фондини ошириш кўрсатилган, йиғилиш қарори таминланиб, жамиятнинг акциялар сонини 605680 дона 2483288 минг сўмга оширилган, бўлиб куйидагича тақсимланган:бўлиб қуйидагича тақсимланган:

	Улушлар фоизда	Акциялар сони	Жами суммаси
КК Пахтасаноат	51,0%	308 880	1 266 408 000
Мехнат жамоаси	43,5%	263 560	1 080 596 000
Эркин савдода	5,5%	33 240	136 284 000
Жами	**100,0%**	**605 680**	**2 483 288 000**

Жамият Низомига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда мол-мулк, кўчмас мулк, интеллектуал мулклар олиш, сотиш, ижарага бериш, ижарага олиш ва Ўз.Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга

ташкилга ҳақлилиги кўрсатилган, махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари жамият томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилиши белгиланган.

Низомида белгилаб қўйилган фаолият турлари билан шуғуланиб келган.

2. Жамиятнинг ҳисоб сиёсати.

Аудиторлик текширувига жамиятнинг ҳисоб сиёсати тақдим қилинмади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти БХМС N 1 Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалгерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республсўмликасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий асосда бошқариш тизимининг унсури хисобланади.

Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган коидаларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади. Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

Аудиторлик текширувида жамиятда ҳисоб юритиш сиёсати жамият рахбарининг фармойиши билан юридик хужжат сифатида расмийлаштирилмаганлиги ва умум белгиланган тартибда ҳисоб юритилгани маълум бўлди.

Тавсия:

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30-август кунги «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги қонуни, БХМС №1 «Ҳисоб сиесати ва молиявий хисобот» ва бошқа норматив хужжатлар асосида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш.

3. Ички назорат тизимининг тавсифи. Бухгалтерия ҳисоби тизимининг холати.

Бухгалтерия ҳисоб варақлари Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БХМСда белгиланган ҳисоб вараклар режасига мувофиқ очилган.

Дастлабки танишув натижаларига кўра бухгалтерия боғламалари ва ойлик журнал ордерларида умумлаштирилиб, уларга зарур бошланғич ҳисоб хужжатлари, жамламалари, ойлик ҳисоботлари бюлштириб борилган. Аналитик ҳисоб регистрлари, жадваллар, китоб ва журналлар, айланмалар жамламалари, юритилиб хар ойлик айланамалар, котировкалари тўлиқ чиқариб борилган.

«МАСТЕР-АУДИТ» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ аудитори Б.С.Лирназаров

Бизнинг фикримизча хўжалик операцияларини расмийлаштиришнинг ўз вақтидалиги тўлиқлиги ва сифатини ўртадан паст даражада баҳолаш мумкин.

Жамият томонидан ҳисобот йилида ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар ҳамда солиқ ҳисоб-китоблари белгиланган шаклларда ва муддатларда тузилиб тегишли идораларга тақдим этиб борилган.

Мухим аҳамиятли кўрсаткичлар бўйича йиллик ҳисоботдаги, маълумотлар аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларига мувофиқ акс эттирилган.

Жамиятда назорат мухитининг холати.

Дастлабки танишув жараёнида жамият раҳбарияти томонидан ички назорат тизимини белгилаш ва унинг таъминлашга йўналтирилган амалий харакатлари ва назорат натижаларидан уларнинг хабардорлигини баҳолашга эътибор йуналтирилди.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши,ва бошқарув кенгаши жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади. Жамиятнинг жорий фаолиятига ижро органининг раҳбари- бошқарув кенгашининг раиси умумий раҳбарлик қилади.

Жамиятнинг бўлимлари ва ишловчи хизматчилар бўйича ваколат ва вазифаларини тақсимотлари мавжуд.

Бўлимлар иш фаолиятлари хақидаги маълумотлар бухгалтерияда умумлаштирилиб ташқи ва ички фойдаланувчилар учун зарур ҳисоботлар ва маълумотлар тузилиб тақдим этиб борилади.

Жамиятда хуқуқшунос штати мавжуд бўлиб, молиявий хўжалик фаолиятини умуман қонунчиликка мослигини назорат қилиб боради. Ички меҳнат интизоми, меҳнат хақида бошқа қонунлар, нормалари хақида адабиётлари тўплами мавжуд бўлиб зарурият бўлса чет юридик хизматлардан фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча жамиятда назорат муҳитини холатини ўртадан паст даражада йўлга қўйилган.

Назорат воситаларининг ҳолати.

Жамият бухгалтерия томонидан бошланғич хужжатлардаги ёзувларни ва ҳисоб китобларни арифметик туғрилиги назорат қилиб борилган. Жамият ижрочи органининг 2025 йил учун Бизнес режаси мавжуд бўлиб, Кузатув кенгашининг йиғилиши қарори билан тасдиқланган.

Жамиятнинг режалаштириш бўлими томонидан режа кўрсаткичларининг бажарилиши, динамикаси тадқиқ қилиниб, салмоқли фарқлар сабаблари таҳлил этиб борилмаган.

Жамият рахбарияти томонидан моддий жавобгар шахслар рўйхатлари, ишонч хати олишга рухсат этилган ходимлар рўйхати тузилган ва буйруқ билан таъдиқланган, моддий жавобгарлик тўғрисидага

шартномаларни ҳар йили янгилаб, тасдиқлаш масалаларига жиддий эътибор талаб этилмаган.

Жамиятда ишонч коғозларини, ҳисоб-варақ фактураларни, буйруқ ва шартномаларни ҳисобини олиб борилган.

Бизнинг фикримизча Жамиятда назорат воситалари қўлланиши ўртача даражада ташкил этилган деб бахолаш мумкин.

Умуман олганда Жамият миқёсида ички назорат тизими ўртача даражада ташкил этилган бўлиб Аудиторлик текширишларни режалаштиришда ҳисобга олинди.

Шартномалар тузилиши бўйича.

Жамият томонидан хўжалик юритувчи субъектлар талаблари асосида транспорт хизмати кўрстиш бўйича ва бажарувчилар муомилалари 2 томон ўртасида тузилган шартнома асосида бажарилиб келинган. Тузилган шартномалар йиллик муддатларга тузилган.

Ушбу муомилалар бўйича шартномалар юридик шахслар билан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик кодекси" ва 29.08.1998 й.N 670-I «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида тузилиши кўрилганда қуйидагилар аниқланди:

Шартномаларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби, томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган, шартномаларни рўйхатга олиш дафтари юритилган. Аудиторлик текшириш жараёнида сотилган товар моддий бойликлари ёки бошқада кўрсатилган хизматлар ижаралар бўйича шартномалар тақдим қилинди.

Шартномалар тузилиши белгиланган юқоридаги меъёрий хужжатлар талабига мос келиши ўрганилганда шартномаларда 1998 йил 2-август куни қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида шартномалар тузилган.

Таксия:

-Шартномалар тузилишида ва расмийлаштирилишида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик кодекси" ва 29.08.1998 й. N 670-I «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя қилиш.

Узоқ муддатли инвестициялар.

0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" счётида йил бошида жамият узоқ муддатли инвестицияларидан «BARAKA PAXTA TEKS» мажсулияти чекланган жамиятига 10000,0 мил сўм киритилаган қолдиқ бўлган.

2025 йил 31-декабр холатига узоқ муддатли инвистициялар хисобида 10 000, 0 минг сўм қолдиқ кўрсатилган.

4. Асосий воситалар ва узоқ муддатли активлар ҳисобининг тахлили.

Жамиятда асосий воситалар ҳисобини бухгалтерия янги ҳисоб варақтар режасининг "0110-0190-асосий воситалар" ҳисоб варағида, эски рақами эса 0210-0290 ҳисоб варағида юритиб келинган.

Жамият томонидан асосий воситалар ҳисобини юритиш учун алоҳида китоб, асосий воситаларга инвентар карточкалар очилмаган, асосий воситалар харакати компьютер орқали дастурсиз ҳисоб-китоби юритилган.

2025 йил 01- январ холатига ҳисоботи бўйича асосий воситаларнинг қиймати 222960180,475 минг сўмни, эскириш қиймати 14106702,814 минг сўмни, қолдиқ қиймати 8853477,660 минг сўмни ташкил қилади.

Жамият бухгалтерияси томонидан асосий воситаларга эскиришларни ҳисоблашда қийматни бир маромда ҳисобдан чиқариш (туғри чизикли) усулидан фойдаланиб жорий йилда жами бўлиб 4756076,228 минг сўмлик эскириш хисобланган ва ишлаб чиқариш сарф харажатлар такибига бухгалтерия ўтказмалари берилган.

Жорий йилда балансда бўлган асосий воситаларни аукционда сотиш учун қайта баҳоланган шундан ферма комплекси 2623175,955 минг сўмга ва паранда фермаси биноси 68336,601 минг сўмга жами бўлиб 2691512,556 минг сўмга қайта баҳоланган ва ДТ-0110, КТ8510 счётларига бухгалтерия ўтказмалари берилган.

Жорий йилда аукционда ферма комплекс бошланғич қиймати 2722576,301 минг сўмлик, ҳисобланган эскириш қиймати 97683,599 сўм бўлган ва паранда фермаси бошланғич қиймати 445539,548 минг сўмлик ва ҳисобланган эскириш қиймати 140822,433 минг сўм бўлган асосий воситалар аукционда сотилиб асосий воситалари таркибидан чиқим қилинган.

2025 йил 31-декабр холатига ҳисоботи бўйича асосий воситаларнинг дастлабки қиймати 22478577,181 минг сўмни, эскириш қиймати 14344273,010 минг сўмни, қолдиқ қиймати 8134304,171 минг сўмни ташкил этади.

Таҳлил:

Асосий воситаларни ЎзР АВ 28.08.1998 йил №486 рўйхатга олинган ва Ўз МВ 27.08.1998 йили № 44 тасдиқланган 5-сон БҲМСнинг 54-55 моддасига асосан асосий воситалар камида икки йилда бир маротаба инвентаризациядан ўтказиш белгиланган шу асосида 19-сон БҲМСда белгиланган тартибида асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказиб асосий воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаб тахлил қилиш, инвентаризация якуни бўйича хар бир асосий воситага алоҳида ҳисоб очилиб қолдиқ қиймати, ҳисобланган эскириш қиймати ва қолдиқ қийматларни қайтд қилиб бориш. Асосий воситаларнинг ҳисоботларини ЎзР АВ 09.12.2014 йил 1299-1 –сон билан рўйхатга олинган «Асосий воситаларни баланс ҳисобидан чиқариш тўғирисда»ги ЎзР МВ буйруғи асосида юритиш.

«АУДИТ-АЛЬЯНС» аудиторлик ташкилоти аудитори Б.С.Пирназаров

5. Ғазнадаги пул маблағлари ҳисобининг аудити.

Жамият ғазнада йил бошида қолдиқ бўлмаган ғазнасиги жорий йил давомида нақд пул маблағлари кирим бўлмаган, Ғазна хисоботлари банк кўчирмасидаги нақд пул маблағи кирими чиқими хисоботларига тўғри келади.

6. Жамиятнинг банкдаги жорий ва маҳсус ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг аудити.

Жамиятда банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида» ги Низом талаблари асосида юритилган.

Жамият бухгалтерияси томонидан банкдаги жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг ҳисоби ва маҳсус рақамлардаги пул маблағларининг ҳисоби 5110,5120 ҳисоб варақларда, банкдан олинган кўчирмалар билан узвий боғлиқ ҳолда юритиб борилган.

Жамиятнинг жорий ҳисоб рақамларида йил бошида 42720,597 минг сўм қолдиқ бўлган ва хисоб рақамидаги чирим чиқимлар қуйидагича бўлган;

т/р.	Ёзув мазмуни	Кирим йўналишлари	Сумма.
1	МИБ"BERUNIY CLUSTER"	ФИБ Судининг 04.08.2024. карори ижро иш раками 23032402905301-	65 657,73
2	"BERUNIY OPTIMAL SAVDO SERVIS" MCHJ 301085337	11.09.2025 N9 shartnomaga asosan	17 877,21
3	SHOBBOZ KAT LOGISTIK 311271734	Шартномага асосан МАН машинаижара тулови	5 000,00
4	ООО "BUILDING KAPITAL SERVIS" 305964459	shartnomaga asosan avtomobil ijarasi	200 000,00
5	ELEKTRON ONLAYN-AUKSIONLARNI TASHKIL ETISH AJ	INN - PINFL:311271734 G`olib:"SHOBBOZ KAT LOGISTIK" MCHJ,	24 730,68
6	Пахта тозалаш АЖ 201284740	Шартномага асосан олинган махсулотлардан карздорлик учун кучирилди	404 418,30
	ЖАМИ КИРИМлар :		717 683,93

т/р.	Ёзув мазмуни	Чиқим йўналишлари	Сумма.
1	'Ikrom Azizbek Akbar MCHJ'	05.01.2024 йил 5-сонли шарт асосан сикилган газ учун	5 364,88
2	"EXCLUSIVE HOME APPLIANCES" MCHJ 311915548	05.11.2025.й. №2185-Шарт асосан Noutbook HP олиш учун	10 055,00
3	ООО Qoraqalpag'iston VAQT	12 06 2018 йил № 10/ИП от сонли шарт курсатхизмат учун	12 002,98

«HAZRAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Б.С.Пирназаров

4	REYIMBAYEV INOMJON QAMARADDIN O'G'LI	05 01 2024 йил № 4 сонли шартномага асос концмахсулот, катреж тамири	5 815,00
5	Беруний ПТЗ АЖ 201604261	Ишчи ходимлар иш хаки пластик карталарга утказилди	162 044,40
6	INTELLECTUAL PROGRESS 302138577	3.Реймовнинг иш хакидан шарт.ас.н укиш у-н	8 700,00
7	ГНИ Берунийского района 200377522	ЖБПЖга 1%. Тулов	36,74
8	Беруний ПТЗ АЖ	Проценты за услуги банка	1 825,46
	Жами ташкилотлар буйича :		**205 844,47**

9	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ Иш хакидан доромад солиги	22 928,02
10	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ Жамият ер солиги	15 350,99
11	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ Жамият Мулк солиги	36 918,42
12	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ Фойда солиги	5 112,52
13	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ Девидентидан доромад солиги	7 900,84
14	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ НДС солиги	81 573,05
15	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ Ижтимоий солик	18 305,77
16	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	Жахон банки МАР проекти тулови	362 853,96
17	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	ДСИ ФРОНО тулови	216,46
18	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	Акциялар Давлат руйхат утказиш	2 164,03
19	Узб.Респ. Иктисодиёт ва МВ	Газетага эълон бериш	1 236,00
	ЖАМИ Ғазначилик бўйича :		**554 560,06**
	ЖАМИ хисоб рақамидан чиқимлар :		**760 404,52**

Ҳисобат даври давомида жоий ҳисоб рақамига 717683,931 минг сўм маблағи келиб тушган ушбу маблағлар йил давомида ўз мақсадли йўналишлари бўйича 760404,520 минг сўм маблағи ҳисоб рақамидан чиқим бўлган ва йил якунида жорий хисоб рақамида қолдиқ қолмаган. Йил якуни баланси код-240да қолдиқ тўғри кўрсатилган.

Барча турдаги ҳисоб рақамларидан кирим ва чиқим бўлган пул маблағлари банк тамонидан тақдим қилинган кўчирмалар асосида бухгалтерия правдкалари берилиб борилган ва ой якунидаги қолдиқлар тасдиқ қилиниб борилган.

Ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари харакати бухгалтерия праводкалар берилган, ҳисоб рақамларидаги маблағлари харакати учун бухгалтерия праводкалари банкдан берилган кўчирмаларида кўрсатилган оборотларига тўғри келади.

7. Меҳнатга хақ тўлаш ва унинг ҳисоби.

«NADZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Б.С.Парназаров

Жамият томонидан ишчи ва хизматчиларига меъёрий хужжатларга асосан, белгиланган тартибда иш хақи ва бошқа даромадлар ишбай, вактбай асосда, катнашган иш кунлари ва иш нормалари ҳисобга олган холда хисоблаб борилган.

Жамиятда 2025 йил бошига 26 нафар, йил охирига 12 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилиб келган. Шундан бошқарув ходимлар 7 нафар, ёрдамчилик ва касаначилар бўлмаган. Жорий йилда 18 нафар шафёр ва трактарчилар мавсумий шартнома асосида ишлаганлар.

Жамиятда ишловчилар билан тузилган мехнат шарномалари бир маротабалик бўлиб, муддати доимий тузилган. Моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Ишга кириш билан боғлик барча тегишли хужжатлар расмийлаштирилган ва ШЖБПФ дафтарчалари мавжуд. Ишлаб чиқариш бўйича буйруқлар ва ходимларни ишга кириши, ишдан бўшаши, меҳнат отпускаси берилиши ва бошқа масалалар бўйича буйруклар алохида расмийлаштириб келинган. 2025 йил учун меҳнат отпускаси графиги ишлаб чиқилган.

Жамиятда ходимларнинг хафталик иш кунлари 5 иш кун белгиланган ва шунга асосан бошқарув ва ишчи ходимларга табель асосида штат жадвали бўйича асосий иш хақи ҳисоблаб борилган.

Бундан ташқари меҳнат битимида келишилган шартлар асосида ёзма китоблар амалга ошириб борилган.

Ишчи хизматчиларга ҳисобланган иш хақи ва бошқа даромадларни ҳисобини юритиш учун махсус андозадаги иш хақи китобида юритилган.

Ҳисобот 2025 йили бошига дебиторлик қариздорлик 32563,257 минг сўм ва 18155,971 минг сўм кредиторлик қариздорлик қолдиғи бўлган якуни бўйича жамият бухгалтерияси томонидан ишчи ва хизматчиларга жами бўлиб 1038575,349 минг сўмлик иш хақи ва бошқа турдаги даромадлар ҳисобланган бўлиб шундан:

Ҳисобланган иш хақи ва бошқада доромадлар	Сумма
Раҳбарият	656 603,6
Ҳуқуқ ҳимояси ва тафтиш комиссияси	99 762,0
Моддий ходим	0,0
Ногиронлик нафакаси	151 171,1
Ногиронлик нафакаси (дори дармон пули)	13 252,2
Ёшлик нафака	0,0
Тиғрик тайёргага тулов	0,0
Автотранспортлар булими	82 766,0
Маъмурий хўжалик бўлими	35 020,5
Жами ҳисобланган	**1 038 575,3**

Иш хақидан ушламалар	Сумма
даромад солиги	104 024,1
ЖБПТ 0,1%	874,2
пластик картага	766 930,4
кредит	3 425,0
контракт	32 700,0
налог	360,0
Сихатгох	4 450,0
0	0,0
0	0,0
Жами ушламалар	**912 763,6**

аудитори Б.С.Пирназаров

Ҳисобатлар бўйича йил якунидан иш хақидан олгидорлик 1933,328 минг сўм ва қарздорлик 113337,742 минг сўм кўрсатилган.

Ҳисоботлар бўйича 2025 йил 01-январ ҳолатига жамиятнинг иш хақи тўловлари бўйича ишловчилардан қарзи баланс бўйича (код-720) қолдиқ бўйича фарқ аниқланмади.

Тавсия:

Хар чорак якуни бўйича иш хақидан бўлган қариздорликни тахлил килиб бориш ва мудати ўтган қариздорлик хосил қилмаслик. Ҳисоботлар бўйича иш хақидан бўлган ўтказмаларни хар ой уз вақтида иш хақи хисобидан ушлаб қолиш.

8. Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби.

Жамият бухгалтерияси томонида дебетор ва кредиторлар билан хисоблашувларни амалга ошириш учун 4730,4890,6010,6110-6120,6970,6990-ҳисоб варақлар белгиланган тартибда юритиб борилган.

2025 йил 31-декабр холатига хисоботи бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўртинчи чорак якунида қуйидагича қолдиқ бўлган ёки:

Дебиторлик қарздорликлар қолдиғи:

(Минг сўмда)

Счета	Счётлар номи	Йил бошига қолдиқ	Йил охирига қолдиқ
4100	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятиларнинг қарзи	2 934 851	2 487 715
4200	Ходимларга берилган бўнак тўлов	0	1 933
4300	Мол етказиб берувчиларга берилган бўнаклар	2 649 363	13 074 222
4400	Бюджетга тўловларига тўланган бўнаклар	0	290
4500	Ижтимоий солиқ тўлови бўйича бўнак тўлови	549	0
4800	Бошқада дебиторлик қариздорликлар	0	0
	Жами	**5 584 763**	**15 564 160**

Йил бошига дебиролик қарздорликлар 5584763 минг сўм бўлган йил якуни бўйича йил бошига нисбатан фарқи 9979397 минг сўмга кўпайтирилган бўлиб йил бошига нисбатан 178,7%га кўпайган шундан: ички тизимдаги ташкилотлардан 447136 минг сўм 15,2 %га кўпайган ва мол етказиб берувчи ташкилотларга бўнак тўловидан 10424859 минг сўм бошига нисбатан кўпайтирилган.

Кредиторлик қарздорликлар қолдиғи:

(Минг сўм)

«NADIRAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Б.С.Пирназаров

Счета	Счётлар номи	Йил бошига қолдиқ	Йил охирига қолдиқ
6000	Мол етказиб берувчиларга бўлган қариздорликлар	0	0
6100	Ички тизимдаги жамиятлар ва бирлашмага қариздорликлар	0	0
6400	Бюджетга бўлган қариздорликлар	0	78 727
6500	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	0	49 930
6600	Таъсисчиларга девидент учун тўловлар	117 730	24 037
6700	Иш хақидан қариздорликлар	0	113 338
6900	Бошқада кредитор қарздорликлар	8 388	7 470
7200	Солик ва мажбурий тўловларнинг кечиктирилган қисми	0	0
7800	Узок муддатли қариздорликлар	22 117 547	22 797 776
	Жами	**22 243 665**	**23 071 278**

Йил бошига кредиторлик қарздорликлар тўртинчи чораги якуни бўйича йил бошига нисбатан камайиши -827613 минг сўм бўлиб йил бошига нисбатан - 3,7%га камайган. Бошқада кредиторлик қарзларнинг ва ички тизимдаги жамиятлари қариздорликлари камайиши хисобидан камайган.

Таесия :

1995 йил 12 – май кунги ПФ – 1154 ва 1999 йил 19 – июл кунги ПФ – 2340 сонли фармон талабларига тўлиқ амал қилиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни хар чорак давомида таҳлил қилиб бориш дебитор қарздорликлари бор бўлган ташкилотлар билан солиштирма далолатномалар тузиб бориш ва муддати ўтган дебиторлик ва кредиторликлар ҳосил қилмаслик.

9. Товар моддий захираларини ҳисоби.

Жамият томонидан товар–моддий захиралар ҳисобини бухгалтерия хисоб режасининг 1010-1090,2810,2910 ҳисоб варакларда юритиб келинган.

Жамиятда ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва муомала харажатлари учун зарур бўлган модддий бойликлар ҳисобдор шахслар зиммаларига К.К.С ни чегирган холда кирим қилиб келинган.

Жамиятда моддий жавобгар шахслар билан жавобгарлиги тўғрисида шартномалар тузиб имзоланган.

Жамиятга олинган барча хом ашё, материал, бутлов қисмлар, инвентар жихозлар, марказий омборга кирим қилиниб, сунгра ишлаб чиқариш ва даврий харажатлари учун сарфланган.

Товар моддий бойликларнинг жорий йилдаги кирим ва чиқимлари қуйидагича бўлган:

Минг сўмда

«AUDIT-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ аудитори Б.С.Лирназаров

т/р.	Моддий жавобгарлар	ТМЗ номлари	Йил бошига қолдиқ	Йил давомида кирим	Йил бошида чиқим	Йил охирига қолдиқ.
1	Синтетик мотор мойи	ЁММ	0,0	11 920,0	11 920,0	0,0
2	Мойлаш материаллари	ЁММ	0,0	4 857,1	4 857,1	0,0
3	Метан гази	ЁММ	0,0	6 411,4	6 411,4	0,0
4	Пропан Гази	ЁММ	0,0	14 573,5	14 573,5	0,0
5	Алкид эмал	ТМЗ	0,0	3 761,6	3 761,6	0,0
6	Пневматик шиналар	Эхтиёт қисим	0,0	61 473,9	61 473,9	0,0
7	Ички ёнув двигител ёғи	Эхтиёт қисим	0,0	32 220,5	32 220,5	0,0
8	Аккумуляторлар	Эхтиёт қисим	0,0	11 879,8	11 879,8	0,0
9	Эхтиёт кисимлар	Эхтиёт қисим	0,0	4 613,0	4 613,0	0,0
	ЖАМИ		**0,0**	**151 711,0**	**151 711,0**	**0,0**

Ҳисобдорлар томонидан ҳисобот ойи якуни бўйича моддий бойликларни харакати юзасидан ҳисоботлар тузиб топширилган. Товар моддий бойликлар ҳисоботларида яъни марказий омборнинг товар моддий бойликлари ҳисобатларида чиқим хужжатларида товар моддий бойликларни ишлаб чиқаришга ёки сотиш учун чиқим қилинган товар моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришга рухсат берувчи масъул шахс ва мансабдор ходимлар томонидан тўлиқ имзолангани маълум бўлди

Тавсия:

Товар моддий бойликлари ҳисоботларини хар ой якуни бўйича тўлик кабул қилиниб, ишлаб чиқаришга сарф қилинган товар моддий бойликларнинг ҳисоботнини хар бир моддий жавобгарлар ҳисоботларини хар ой якуни бўйича ҳисоботларини тақдим қилиш. Товар моддий захираларнинг ҳисоботларини ЎзР АВ 20.11.2002 йилда 486-1 сон билан рўйхатга олинган ва ЎзР МВ 27.08.1998 йилда №44 сон билан тасдиқланган БҲМС-4 талаблари асосида юритиш ва шу стандарт 26-бандига асосланиб инвентаризациядан ўтказиш, автомабиллар ва тракторларга ўрнатилган шиналар ва акумляторларга карточкалар очилиб автомабилларнинг хар ойда босиб ўтган масофасини ҳисоботлар бўйича қайд қилиб бориш.

10.Харажатлар ҳисобининг аудити.

Ишлаб чиқариш харажати ҳисоби.

Жамият томонидан асосий ишлаб чиқишга қилинган харажатлар ҳисобини бухгалтерия ҳисоб варақлар режасининг «2010,» ҳисоб варақида юритиб келинган.

Ҳисоботлар бўйича жорий йил харажати жами бўлиб 6265638,1 минг сўм сарф харажатлари қилинган.

Минг сўмда

т/р.	Ёзув мазмуни	Таннарх
1	Хисобланган иш хаки	524 491,22
2	ДСИ ЯИТ	62 938,95
3	А/В хисобланган эскириш	476 076,23
4	Синтетик мотор мойи	11 920,00
5	Метан гази	6 411,44
6	Пропан Гази	14 573,47
7	Мойлаш мойлаш материали	4 857,14
8	Пневматик шиналар	61 473,93
9	Техник хизмат курсатиш	32 220,54
10	Эхтиёт кисимлар	23 725,45
11	Алкид эмал	3 761,61
	Жами харажатлар:	**1 222 449,97**

Аудиторлик текшируви даврида жамият бошланғич хужжат кўрсаткичларига асосан харажат таркиби кўриб чиқилганда жамият томонидан ушбу ҳисоботни юритишда ишлаб чиқариш бўлмаганлиги сабабли асосан давр харажатлари таркибига бухгалтерия ўтказмалари берилган.

Тавсия:

Асосий ишлаб чиқариш сарф харажатларини яъни ишлаб чиқариш ҳисобчиси ҳисобатларини хар ой якуни бўйича бош дафтар қолдиқлари билан таққослаб бориш ва харажатлар таркиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ҳисоботларни юритиш.

Тавсия:

Асосий фаолият сарф харажатларини яъни асосий фаолият ҳисобатларини хар чорак якуни бўйича бош дафтар қолдиқлари билан таққослаб бориш ва харажатлар таркиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ҳисоботларни юритиш сарф қилинган эҳтиёт қисимларнинг ҳисоботини ўз вақтида олиниб сарф харажатлар ўз вақтида харажатлар таркибига киритиш.

11. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича хисобланган солиқлар қуйидагича:

Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши ва ўз вактида ўтказиб борилиши текширилганда қуйидагилар аниқланди:

Жамият умумий тартибда солиқ тўловчи сифатида Давлат бюджетига Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи.

Қўшилган қиймат солиғи, Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, иш хақидан даромад солиғи, Солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинадиган дивидендлар ва фоизлар кўринишида тўланадиган даромадлардан олинадиган солиқ, шунингдек ижтимоий солиқ тўлов бўйича ҳисоботлар тақдим қилиб келинган ва шунга асосан ҳисоб китоб қилиб келинган.

Фойда солиғи.

Фойда солиғи Солиқ кодексининг 126-161 моддасига мувофиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Қуйидаги маълумотлар асосида фойда солиғи қўйидагича хисобланган:

минг сўм

Кўрсаткичлар номи.	Сумма.
Жами доромадлар	6 452 556,441
Чегириладиган харажатлар	5 257 164,048
Олинадиган дивидендлар	0
Солиқ солинадиган база – жами	1 195 392,393
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси	7,5%
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи сўммаси – жами	**89 654,429**

Мол-мулк солиғи

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 267-моддасига асосан, мол-мулк солиғининг солиқ солинадиган базасига:

минг сўмда

Кўрсаткичлар	Сатр Коди	сумма
Ҳисобот даврида ҳисобга олинадиган мулк қиймати суммаси	10	9 802 686,384
Салиқ ҳисобланадиган базаси	20	9 802 686,384
Солиқ ставкаси	030	1,5%
Бюджетга тўланадиган мулк солиғи суммаси	040	**147 040,295**

Ижтимоий солиқ тўлов.

Ижтимоий солиқ тўлов ҳисоблаш солиқ кодексининг XV бўлим, 51-боб, 305-311 моддалари асосида ҳисобланадиган базадан келиб чиқиб, ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан холда ҳисобланди.

Солиқ солинадиган база солиқ кодексининг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар сифатида белгиланади.

(минг сўм)

Ёзув мазмуни	Код	Ижтимоий солиқ	Иш хақидан доромад солиғи.	ЖБПЖ 0,1%
Хисобланган тўловлар	010	874 152,039	874 152,039	
Мехнатга хақ тўлов билан боғлиқ бўлмаган тўловлар	012	0	0	
Доромад солиғидан озод қилинган тўлов	030	0	0	
Солик базаси	040	874 152,039	874 152,039	
Солик ставкаси	050	1,0%	12,0%	0,1%
Хисобланган ижтимоий солиқ.	060	8 741,520	104 898,244	874,152
Жами солиқлар:		**8 741,520**	**104 024,093**	**874,152**

ПФ-213 31.08.2022 й. 2-банди а-кичикбанди 2-хатбоши Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида жойлашган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари учун 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда: ижтимоий солиқ камайтирилиб, 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкасида; Бунда, йирик солиқ тўловчилар, доимий муассасалар, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахсларга мазкур бандда белгиланаётган имтиёзлар татбиқ этилмайди;

Қўшилган қиймат солиғи.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш Солиқ Кодексининг VII-булим 35-боб 197-200-моддаларига асосан солиқ ҳисобланадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий йил жами дормадлар 6452556,441,346 минг сўмлик доромад қилинган бўлиб шундан ҚҚС хисобланмайдиган доромадлар 300256,00 минг сўм, ҚҚС хисобланадиган доромадлар 6152300,441 минг сўм, ҚҚСга 738276,053 минг сўм ҳисобланган, жорий йил давомида киримга олинган ҳисоб варақ фактуралари йиғиндиси 368309,028 минг сўм бўлиб ҳисобга олинадиган ҚҚСги 25381,305 минг сўм бўлиб, олдинги йил хисоботи бўйича хисобга олинадиган ҚҚС 144,432 минг сўм ва хисобга олинмайдиган ҚҚСги 2120,161 минг сўм бўлиб ҚҚСга хисобга оинадиган сумма 23405,576 минг сўмни ташкил қилади.

Жорий йилда киримга олинган товар моддий бойликларнинг хисобга олинадиган НДС суммаси 23405,576 минг сўм, жорий йил доромадига хисобланган ҚҚС суммаси 738276,053 минг сўм бўлиб йил давомидаги

ҚҚСга 715321,780 минг сўм, ҚҚСга камайтиршга(зачёдан)451,393 минг сўм хисобланган жами бўлиб жорий йил якуни бўйича бюджетга ҚҚСги - 714870,477 минг сўм камайтиришга ҳисобланган.

Жорий йил декабр ойидаги ҚҚСги хисоботи қўйидагича:

минг сўмда

Кўрсаткичлар	Сатр Коди	Сумма
Хисобот даврида ҳисобга олинадиган қўшилган киймат солиғи (ҚҚС) суммаси	010	6 181,412
Хисобга олинадиган жами ҚҚС суммаси (010-сатр + 020-сатр)	020	65 875,752
Хисобга олинадиган жами ҚҚС сммаси	030	59 694,340

12. Даврий ва молиявий харажатлар ҳисоби.

Жамият томонидан давр харажатлари бухгалтерия ҳисоб варақлар режасининг 9410,9420,9430 ҳисоб варақларидан фойдаланган ҳолда юритиб келинган.

Ҳисоботлар бўйича 2025 йил давр харажатлари 825477,75 минг сўм ва фоиз шаклидаги харажатлар 3215069,94 минг сўм жами бўлиб 4040547,69 минг сўм бўлиб шундан сарф харажатлар кесимида қуйидагича хисобланган:

(Минг сўмда)

т/р.	Ёзув мазмуни	Давр харжатлари
1	Хисобланган иш хаки	349 660,82
2	ДСИ ЯИТ	41 959,30
3	Уювиче	164 423,32
4	Реклама ва эълон жойлаштириш	2 406,00
5	Телефон ва интернет харажати	6 106,40
6	Депозитария хизматлари	28 653,36
7	Сугурта харжатлари	144,00
8	Бохолаш харажтлари	15 035,71
9	Аудитор хизмати	8 928,57
10	ДСИ Ер солиги	61 077,13
11	ДСИ Мулк солиги	147 040,30
12	Фикс.доходы за Электрон. платежи	42,86
	Жами харажатлар:	**825 477,75**
13	Банк хизмати фоиз тулови	1 825,46
14	ДСИ фоиз тулови	523,21
15	МАР Проект тўлови	362 853,96
16	МАР Проект тўлови	2 849 650,85

17	Бошкада фоиз туловлар	216,46
	Жами фоиз харажатлар	**3 215 069,94**
	Харажатлар ХАММАСИ :	**4 040 547,69**

Аудторлик тешириш жараёнида харажатлар ва бошқада харажатлардаги ўзгаришларни хисобга олиган ҳолда бошқада операцион харажатларга ўзгариш киритилди.

13. Ўз маблағлари манбалари ҳисоби.

Жамиятнинг 8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи счёт» ҳисобида 2025 йил бошига 2419271 минг сўм бўлган йил якунида ўзгаришсиз 2419271 минг сўм қолдиқ бўлган.

8700 «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счёт» ҳисобида 2025 йил 01-январь ҳолатига олдинги йиллар қопланмаган фойдаси бўйича қолдиқ 1158117 минг сўмни ташкил қилган ва 2024 йил якуни бўйича соф фойдан 386297,8 минг сўм тақсимланган. 2025 йилнинг соф фойдаси 1100341,9,8 минг сўмни ташкил қилади. Жорий йилда тақсимланган фойда хисобида 1872161 минг сўм қолдиқ қолган.

Жамиятнинг 2025 йил 31-декабр холатига соф активи қуйидагича бўлган:

Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича соф активлари қуйидагича бўлган: Устав каптитал (8300) қолдиғи 2419271 минг сўм, резерв капитал (8510) қолдиғи 8342031 минг сўм ва тақсимланмаган фойда (8700) қолдиғи 1872161 минг сўм жами соф активлар қиймати 12 633 463 минг сўмни ташкил қилади.

Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича соф активи 12633463 минг сўм бўлиб, шундан устав капитали 2419271 минг сўм, устав капиталидан ташқари соф активлари қолдиғи 10214192 минг сўмни ташкил қилади.

14. Махсулот (иш ва хизмат)ларни сотиш ҳисоби уларнинг таннархи, бошқа даромадларнинг тахлили.

Ҳисоботлар бўйича 2025 йил ҳисобот даври якуни бўйича махсулот ва хизматларни сотиш натижалари таҳлил этилганда жорий йил хисобланган доромад қуйидагича бўлган:

Минг сўмда.

т/р.	Доромад турлари	Сумма
1	Автомабилда юк ташиши хизмати ва техника ижрасидан доромад	2 934 354,41
2		
	Жами асосий фаолият доромади	**2 934 354,41**

1	Эски идора биноси	300 256,00
2	Товуккона биноси	703 801,70
3	Тикув машнаси	78 808,36
4	Чорва ферма коплекси	2 435 335,98
	Жами бошқада доромадлар	**3 518 202,04**
	Жами доромадлар:	**6 452 556,44**

Жорий йилдаги жамиятнинг доромадлари 6452556,44 минг сўм бўлган шубу доромадлар ҚҚС хисоботида тўлиқ қайд қилинган.

15. Жамият фаолиятининг молиявий натижалари.

Жамият томонидан 2025 йил ҳисобот даври якуни бўйича тузиб тақдим этилган молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда ҳисобот йилининг соф фойдаси 205670,151 минг сўм хажмида акс эттирилган бўлиб, Аудиторлик текширувида киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган холда қуйидаги молиявий натижалар ҳисобланди :

- Махсулот сотишдан соф тушум 2934354,4 минг сўм
- Сотилган махсулот таннархи 1222450,0 минг сўм
- Сотишдан олинган ялпи фойда 1711904,4 минг сўм
- Давр харажатлари 825477,8 минг сўм
- Асосий фаолиятдан бошқа доромад 3518202,0 минг сўм
- Бошқада молиявий доромад 0,0 минг сўм
- Солиқ тўлагунча фойда 1189558,8 минг сўм
- Фойдадан солиқ тўловлари 89215,9 минг сўм
- Ҳисобот йилини соф фойдаси 1100341,9 минг сўм

Жамиятнинг иқтисодий кўрсатгичларининг йиллик режага нисбати:

Кўрсаткичлар номи	Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарқи режага нисбатан кам	Фарқи режага нисбатан ортиқча	%даги нисбати
Даромад	1 804 841	2 934 354	0	1 129 513	162,6%
Таннарҳ	837 562	1 222 450	0	384 888	146,0%
Давр харажатлари	869 525	825 478	44 047	0	94,9%
Бошқада даромадлар	0	3 518 202	0	3 518 202	0,0%
Бошқада молиявий доромад	0	0	0	0	0,0%
Молявий харажатлар	0	3 215 070	0	3 215 070	0,0%
Солиқ тўлагунча фойда	97 754	1 189 559	0	1 091 805	1216,9%
Фойда солиғи	15 464	89 217	0	73 753	576,9%
Соф фойда(зарар)и	82 290	1 100 342	0	1 018 052	1337,2%

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики йил якуни бўйича режа бўйича солиқ тўлагунча олинган фойда режага нисбатан 1091805 минг сўмга ортиқча бўлиб фойда олиш 1216,9%га бажарилган.

Жорий йилда бизнес режа бўйича соф фойда олиш 82290 минг сўмга белгиланиб ҳақиқатда 1100342 минг сўм бўлиб жорий йилда режага нисбатан 1018052 минг сўм ортиқча соф фойда олиш билан якунланиб рентабиллик даражаси 0,226 фоиз билан йилни якулланган.

Жамиятнинг асосий иқтисодий ҳолатини баҳолаш бўйича кўрсаткичлари :

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 14.04.2005 йилда №1469 рўйхатга олинган жамиятларнинг иқтисодий тўлов қобилиятини назорат қилиш қўмитасининг 16.03.2005 йилдаги №ГС-05.0271/1 «Молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва мониторинг ўтказиш ҳақидаги йўриқномаси»га асосан аниқланди.

Баланснинг қопланиш коэфициенти - Жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати. Ушбу кўрсаткич 1,25 дан паст бўлган холатларда жамланманинг тўлов қобиляти пастлигидан далолат беради.

Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти – молиявий баркарорликни таъминлаш учун шахсий оборот билан таъминланганлик кўрсаткичини белгилайди. Ушбу кўрсаткич 0,2 дан паст бўлса оборот маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.

Рентабеллик даражаси коэффициенти – молиявий хўжалик фаолиятининг маълум бир даврида жамланманинг фойдаси (зарари) даражаси кўрсаткичини белгилайди. Ушбу кўрсаткич 0,05 дан паст бўлса, паст рентабеллик ҳисобланади.

Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича коэффициенти – қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобиляти бўйича кўрсаткичини белгилайди. Норматив коффициенти 0,05.

Коэффицентлар	Кўрсаткичлар ҳисоби	31.12.2025 й холатига	Кўрсаткичлар характеристикаси
Баланснинг копланиш коэфициенти	$\frac{А2}{П2-ДО}$	56,91	>1.25 тўлов қобилятли
Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (молиявий баркарорлик)	$\frac{П1+Дзк2-А1}{А2}$	0,98	>0,2 оборот маблағлари билан таъминланган
Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати коэффициенти	$\frac{П1}{П2-ДО}$	46,19	>0.05 қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш

			қобиляти
Рентабеллик даражаси коэффициенти	Фойда солиғи ҳисоб-лангунча фойда харажатлар	0,23	>0.05 рентабеллик

Жамиятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда жамиятнинг рентабеллик даражаси юқори бўлган, қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобиляти юқори, оборот маблағлари билан таъминланган ва тўлов қобиляти бўйича норматив коэффициенти юқори бўлганлиги аниқланди.

III. ЯКУНИЙ ҚИСМ

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари 21-БҲМС асосида янги ҳисоб варақлар режаси асосида мемориал ордер формасида юритилган. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўлиқ компьютерлаштирилган. Счетлар бўйича ойма ой ҳар қайси счётлар ва аналитик счётлар бўйича оборот ведомостлари илова қилиб борилган.

Харажат ва даромадлар ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (иш хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги Низоми асосида олиб борилган.

Харажат ва даромадлар ҳисоб варақлар ҳар чоракда ёпиш ва улар орасидаги фарқ режа асосида жамият фойдаси ёки зарарини аниқлаб боримаган, харажатлар режага нисбатан таҳлил қилиниб дастурлар тузилмаган.

Молиявий фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларини сақланишини таъминлаш, бухгалтерия ёзувларини ўз вақтида аниқ ва тўлиқ бўлишини таъминлаш ҳамда ўз вақтида ишончли маълумот тайёрлаш бош ҳисобчига юклатилган.

Аудиторлик текшируви якуни бўйича.

- Асосий восита ва инвентар, материаллардан фойдаланиш ва ишлатишда тежамкорликка риоя қилиш улар бўйича ҳисоботларни белгиланган тартибда тузиш ва расмийлаштириш.
- Моддий жавобгар шахслар зиммасидаги моддий қийматликлар БҲМСга асосан ғазнада бир ойда бир маротаба, материаллар бир йилда бир маротаба ва асосий воситалар камида икки йилда бир маротаба инвентаризациядан ўтказиш ва инвентаризация натижасини аниқлаб бориш.

-Моддий жавобгарларнинг товар моддий бойликларининг ҳисоботларини хар ой якуни бўйича тўлиқ ёзилишини ва чорак якуни бўйича таҳлил қилиб боришни ташкил қилиш.

-Дебиторлик қарздорликлар бўйича 1995 йил 12 – май кунги ПФ – 1154 ва 1999 йил 19 – июл кунги ПФ – 2340 сонли фармон талабларига тулиқ амал қилиш ва кархоналари кесмида таҳлил қилиб бориш.

- Жамиятнинг чораклик ҳисоботлари маълумотлари иқтисодчи томонидан бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, динамикаси тадқиқ қилиниб, салмоқли фарқлар таҳлил қилиб боришини таминлаш.

-Жамиятнинг йиллик баланси бўйича айрим иқтисодий кўрсатгичлари меъёрлар паст кўсатгичлар билан якунланган ушбу кўрсатгичлар бўйича амалий дастур ишлаб чиқиш.

- Материал ҳисоботлар белгиланган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 07.08.19998 йил №44-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 28.08.1998 йил №486-сон билан рўйхатга олинган БҲМС-4 асосида ҳисоб сиёсатини юритиш, моддий жавобгарларнинг ҳисоботлар тақдим қилишнинг бир хиллигини таъминлаш.

- Шартномалар тузишда қонун ва низом талабларига риоя қилиш. Маҳсулот сотиш (иш бажариш)да олдиндан тўловсиз маҳсулот сотмаслик ва дебиторлик қарзларни қисқартириш масалаларига алоҳида этибор бериш ва тўлов муддати ўтишига йўл қўймасликга этибор берилишни таъминлаш.

- Харажат ва даромадларни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдаги харажатлар тартиби ҳамда Молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги Низом», солиқларни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қодекси талабларига тўла амал қилиш.

-Ушбу аудиторлик текширишда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қайта тузилган ҳисобот ва солиқ ҳисоб-китобларини худудий солиқ идорасига белгиланган муддатларда тақдим қилиш.

«NAZORAT-AUDIT»
АТ директори **Б.Н.Назаров**

Аудитор **Б.С.Пирназаров**

«Беруний пахта тозалаш»
А.Ж. раиси: **А.Махмудов**

Бош хисобчи: **З.Е. Реймов**

04 06 26